

АДАБИЁТЛАР:

1. Корчагин В.Н. Вредители и болезни плодовых и ягодных культур. – Москва: «Колос», 1971. – С. 36-41.
2. Олимжонов Р.А. Энтомология. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1977. – Б. 246-251.
3. Танабекова Г.Б. Экологические и фаунистические особенности насекомых, повреждающих дикие популяции яблони Сиверса (*Malus sieversii*) в Северном Тянь-Шане: Диссертация на соискание степени доктора философии (PhD): (6D060800-Экология) / КНУ им аль-Фараби., Рес. Каз. Алматы, 2021. – 171 с.
4. SA Ulenberg. Phylogeny of the Yponomeuta species (Lepidoptera, Yponomeutidae) and the history of their host plant associations // Tijdschrift voor Entomologie 01 Jan 2009. Pages 187-207.
5. Sol-Moon Na, Bayarsaikhan Ulziiyargal, Dong-June Lee, Yang-Seop Bae. Taxonomic review of the genus *Swammerdamia* Hübner (Lepidoptera: Yponomeutidae) from Korea // Journal of Asia-Pacific Biodiversity 12 (2019) Pages 74-78.
6. Sol-Moon Na, Dong-June Lee, Yang-Seop Bae. Taxonomic review of Yponomeuta evonymella group in Korea, with a newly recorded species (Lepidoptera, Yponomeutidae, Yponomeutinae) // Journal of Asia-Pacific Biodiversity 11 (2018) Pages 538-543.
7. Хамраев А.Ш., Насриддинов К. Ўсимликларни биологик ҳимоялаш. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2003. (287-б.)
8. Олимжонов Р.А. Энтомология. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1977. – Б. 246-251.
9. Васильев В.П., Лившиц И.З. Вредители плодовых культур. – Москва: «Колос», 1984. – С.148-150., 161-186. (398-б.).

УЎТ: 632:632.914

ЛИМОН ЎСИМЛИГИ БИОЦЕНОЗИДА УЧРАЙДИГАН ЗАРАРЛИ ВА ФОЙДАЛИ ЭНТОМОФАУНА ВАКИЛЛАРИНИНГ ТУР ТАРКИБИ ВА УЧРАШ ДАРАЖАСИ

Холлиев Асамиддин Тўраевич

Тош ДАУ Ўсимликларни ҳимояси ва карантини кафедраси мудири, қ.х.ф.д.

<https://orcid.org/0009-0007-5300-0062>

Ниёзкулов Бекмурод Хонали ўғли

Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти
таянч докторанти

Аннотация. Ушбу мақолада лимон ўсимлиги агробиоценозида *Tetranychus urticae* Koch., *Paratetranychus citri* Mc.G., *Phyllocnistis citrella* Stainton., *Aphis crassivora* Koch. ҳамда *Myzodes persicae* Sulz. кўп миқдорда, *Dialeurodes citri* Ashmead. ўртача ҳамда *Trialeurodes vaporariorum* Westw., *Quadraspidotus perniciosus* Comstock. ва *Parthenolecanium corni* Bouche. кам миқдорда учраши ва зарар келтириши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: лимон ўсимлиги зараркундалар, учраши, зарари, тарқалиши.

Аннотация. В этой статье приведены данные о том, что в агроценозе лимона *Tetranychus urticae* Koch., *Paratetranychus citri* Mc.G., *Phyllocnistis citrella* Stainton., *Aphis crassivora* Koch., *Myzodes persicae* Sulz. встречается многочисленно, *Dialeurodes citri* Ashmead. – умеренно, а также *Trialeurodes vaporariorum* Westw., *Quadraspidotus perniciosus* Comstock. и *Parthenolecanium corni* Bouche. встречается в небольших количествах и сведения об их вредоносности.

Ключевые слова: вредители лимона, встречаемость, вредоносность, распространение.

Abstract. This article presents data on the fact that in the lemon agroecosis *Tetranychus urticae* Koch., *Paratetranychus citri* Mc.G., *Phyllocnistis citrella* Stainton., *Aphis crassivora* Koch., *Myzodes persicae* Sulz. is found in abundance, *Dialeurodes citri* Ashmead. – moderately, and also *Trialeurodes vaporariorum* Westw., *Quadraspidotus perniciosus* Comstock. and *Parthenolecanium corni* Bouche. are found in small quantities and information on their harmfulness.

Keywords: lemon pests, occurrence, harmfulness, distribution.

Кириш. Цитрус ўсимликларининг меваси таркибида кўп миқдорда витаминлар, минерал моддалар, органик кислоталар ҳамда инсон организми учун зарур бўлган даволовчи озуқа моддалари мавжуд. Жумладан, Ўзбекистонда цитрус ўсимликларидан энг кўп етиштириладигани лимон бўлиб, у энг қимматлиги, шифобахш ва тетиклаштирувчи мевалардан биридир. Мевасининг таркибида 2%га яқин шакар, 6-8% турли кислоталар (асосан лимон кислотаси), 1%дан кўпроқ пектин

моддалари, 0,5%га яқин ҳар хил минерал тузлар, 60-90 мг С витамини, маълум миқдорда А, В₁, В₂, РР витаминлар учрайди. Ушбу ўсимликда учрайдиган зараркундаларни сонини кескин камайитириш ва ҳосилларини тўлиқ сақлаб қолиш бугунги кунда долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади.

Лимон ўсимлигига зарар келтираётган зараркундаларининг тур таркиби, биоэкологик ривожланиш хусусиятлари, тарқалиш ареали ва зарар келтириш даражасини ўрганиш

Лимон ўсимлигида учрайдиган зараркундаларнинг тур таркиби ва учраш даражаси
(Самарқанд вилояти, Оқдарё тумани, Умиджон МЧЖ, 2023-2024 йй)

№	Зараркундалар турлари	Учраши
1.	Ўргимчаккана - <i>Tetranychus urticae</i> Koch.	+++
2.	Қизил тусли цитрус канаси - <i>Paratetranychus citri</i> Mc.G.	+++
3.	Цитрус инли куяси - <i>Phyllocnistis citrella</i> Stainton.	+++
4.	Цитрус оққаноти - <i>Dialeurodes citri</i> Ashmead.	++
5.	Иссиқхона оққаноти - <i>Trialeurodes vaporariorum</i> Westw.	+
6.	Акация шираси - <i>Aphis crassivora</i> Koch.	+++
7.	Шафтоли ёки иссиқхона яшил шираси - <i>Myzodes persicae</i> Sulz.	+++
8.	Калифорния қалқондори - <i>Quadraspidiotus perniciosus</i> Comstock.	+
9.	Акация сохта қалқондори - <i>Parthenolekanium corni</i> Bouche.	+

Изоҳ: - учрамади, + кам сонда учради, ++ ўртача миқдорда учради, +++ кўп сонда учради.

асосида уларга қарши ҳимоя қилиш чораларини ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқариш амалиётига татбиқ этиш борасида олиб борилаётган илмий-изланишларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқот жойи, объекти ва усуллари. Самарқанд вилояти, Оқдарё тумани, Умиджон МЧЖга қарашли иссиқхоналарда етиштирилаётган лимон ўсимлиги агробиоценозида учрайдиган зарарли ҳамда фойдали энтомофауна вакиллари тур таркиби ва учраш даражасини аниқлаш мақсадида маршрут-ли кузатув ишлари олиб борилди.

Натижалар ва мунозара. Олиб борган тадқиқот натижаларига кўра, 9 та турдаги зараркунадалар учраши кузатилди. Учраган зараркундалар орасида ўргимчаккана - *Tetranychus urticae* Koch., қизил тусли цитрус канаси - *Paratetranychus citri* Mc.G., цитрус инли куяси - *Phyllocnistis citrella* Stainton., акация шираси - *Aphis crassivora* Koch. ҳамда шафтоли ёки иссиқхона яшил шираси - *Myzodes persicae* Sulz. кўп миқдорда учраб, ўсимликнинг турли ривожланиш фазаларида келтирадиган зарари билан иқтисодий аҳамиятга эга эканлиги кузатилди (1-жадвал).

Шунингдек, цитрус оққаноти - *Dialeurodes citri* Ashmead. ўртача ҳамда иссиқхона оққаноти - *Trialeurodes vaporariorum* Westw., калифорния қалқондори - *Quadraspidiotus perniciosus* Comstock. ва акация сохта қалқондори - *Parthenolekanium corni* Bouche. кам миқдорда учраши ва зарар келтириши

Лимон биоценозида учрайдиган фойдали энтомофауна вакиллари асосий турлари
(Самарқанд вилояти, Оқдарё тумани, Умиджон МЧЖ, 2023-2024 йй)

№	Энтомофаг тури	Учраши
<i>Coleoptera</i> туркуми, <i>Coccinellidae</i> оиласи		
1.	<i>Adalia bipunctata</i> L.	+++
2.	<i>Coccinella septempunctata</i> L.	+++
3.	<i>Coccinella undecimpunctata</i>	+
4.	<i>Propilaea quadruodecimpunctata</i>	++
5.	<i>Adonia variegata</i>	-
6.	<i>Scymnus frontalis</i>	+
<i>Hymenoptera</i> туркуми, <i>Anthocoridae</i> ва <i>Aphidiidae</i> оиласи		
7.	<i>Orius albidipennis</i> Reut.	+
8.	<i>Orius niger</i> Wolff.	++
9.	<i>Nabis ferus</i> L.	+++
10.	<i>Aphidius ervi</i> Hal.	+
<i>Neuroptera</i> туркуми, <i>Chrysopidae</i> оиласи		
11.	<i>Chrysopa septempunctata</i> Wes.	++
12.	<i>Chrysopa carnea</i> Steph.	+++

Изоҳ: - учрамади, + кам сонда учради, ++ ўртача миқдорда учради, +++ кўп сонда учради.

аниқланди.

Лимон ўсимлиги агробиоценозида учрайдиган фойдали энтомофауна вакиллари аниқлаш мақсадида олиб борилган илмий-изланишлар натижасига кўра 3 та туркум, 4 та оилага мансуб 12 турдаги энтомофаглар учраши кузатилди (2-жадвал).

Ушбу учраган энтомофаглардан энг аҳамиятли турлар бўлиб, хонқизи қўнғизлардан 2-нуқтали хонқизи-*Adalia bipunctata* L., 7 нуқтали хонқизи-*Coccinella septempunctata* L., йиртқич каналардан *Orius albidipennis* Reut. ва оддий олтинкўз - *Chrysopa carnea* Steph. турлари кўп миқдорда учраб, зараркундаларни фаол нобуд қилишини алоҳида таъкидлаш лозим.

Хулоса. Лимон ўсимлиги агробиоценозида 9 та турдаги зараркунадалар учраши кузатилди. Кузатилган зараркунадалар орасидан ўргимчаккана, қизил тусли цитрус канаси, цитрус инли куяси, акация шираси ҳамда шафтоли ёки иссиқхона яшил шираси кабилар кўп миқдорда учраб, ўсимликнинг турли ривожланиш фазаларида келтирадиган зарари билан иқтисодий аҳамиятга эга эканлиги аниқланди.

Ушбу зараркундаларга қарши курашда белгиланган муддатларда турли кимёвий синфга мансуб, таъсир қилувчи моддаси абамектин, ацетамиприд ва лямбда-цигалотрин бўлган препаратларни қўллаш тавсия этилади.

АДАБИЁТЛАР:

- Бей-Биенко, Г.Я. Общая энтомология. – Москва: Высшая школа, 1966. – 496 с.
- Васильев В.П., Лившиц И.З. Вредители плодовых культур. – Москва: Колос, 1984. – 398 с.
- Фасулати К.К. Экология и хозяйственное значение насекомых. – Л., 1961. – 231 с.
- Корчагин В.Н. Защита растений от вредителей и болезней в садах и овощи-огородных участках. Москва: Агропромиздат, 1987. – 317 с.
- Хўжаев Ш.Т. Умумий ва қишлоқ хўжалик энтомологияси ҳамда уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимининг асослари (IV нашр). – Тошкент: Янги нашр, 2019. – 375 б.

ДАНАК МЕВАЛИ КЎЧАТЛАР АГРОБИОЦЕНОЗИДА УЧРАЙДИГАН ЗАРАРКУНАНДАЛАРНИНГ ТУР ТАРКИБИ ВА УЧРАШ ДАРАЖАСИ

Акромов Бахтияр Акмалович

Ўсимликлар карантини ва химояси илмий-тадқиқот институти қ.х.ф.н., к.и.х.

<https://orcid.org/0000-0003-1024-7296>

Нуржобов Акбар Ўткир ўғли

Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти

таянч докторанти

<https://orcid.org/0009-0005-6952-2143>

Аннотация. Ушбу мақолада данак меваги кўчатлардан: гилос, шафтоли, ўрик ҳамда олхўри ўсимликлари агробиоценозида учрайдиган зараркунандаларнинг тур таркиби ва учраш даражаси тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: данак меваги кўчатлар, гилос, шафтоли, ўрик ҳамда олхўри зараркунандалари, учраши, зарари, тарқалиши.

Аннотация. В данной статье представлена информация о видовом составе и степени встречаемости вредителей, обнаруженных в агробиоценозах саженцев косточковых плодовых культур: вишни, персика, абрикоса и сливы.

Ключевые слова: саженцы косточковых плодовых культур, вредители вишни, персика, абрикоса и сливы, встречаемость, вредоносность, распространение.

Abstract. This article presents information on the species composition and incidence of pests found in agrobiocenoses of seedlings of stone fruit crops: cherry, peach, apricot and plum.

Keywords: seedlings of stone fruit crops, pests of cherry, peach, apricot and plum, occurrence, harmfulness, distribution.

Кириш. Сўнгги йилларда ер юзиде иқлимнинг глобал ўзгариши, аҳоли сонининг шиддат билан ўсиши, ишлаб чиқариш жараёнининг жадаллашиши кузатилаётган бир даврда, барча соҳалар каби озиқ-овқат етиштириш саноатида қатор муаммоларга дуч келинмоқда. Шу сабабли, қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган экинларнинг ҳосилдор, сифат кўрсаткичи юқори бўлган навларини хориждан олиб келиш, республикамиз ҳудудларининг тупроқ-иқлим шароитига мос келадиган, серҳосил маҳаллий навлар дурагайлари кўпайтиришни жадаллаштириш ҳамда экинларни зараркунандалардан ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Биобарин, ушбу йўналишда ҳуқуқий асос яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 9 ноябрдаги “Ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-877-сонли қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 июлдаги “Республикада ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6262-сон фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 2 февралдаги “2023 – 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасида уруғчилик ва кўчат етиштиришни ривожлантириш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги ВМҚ-51-сонли қарори эълон қилинган.

Бугунги кунда республикамиз ҳудудларида етиштирилаётган данак меваги кўчатлар агробиоценозида учрайдиган зараркунандаларнинг зарар келтириш даражаси сезиларли даражада ортиб бормоқда. Шу сабабли, данак меваги кўчатларда учрайдиган зараркунандаларнинг тур таркиби ва учраш даражасини аниқлаш мақсадида маршрутли кузатув ишлари олиб борилди.

Тадқиқот жойи, объекти ва усуллари. Тадқиқотлар Қашқадарё вилояти, Қарши тумани, академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Қашқадарё илмий-тажриба станциясида етиштирилаётган данак меваги кўчатлар биоценозида учрайдиган зараркунандаларни тур таркиби ҳамда учраш даражасини аниқлаш К.К.Фасулоти ва Г.Я.Бей-Биенко услублари асосида олиб борилди.

Натижалар ва мунозара. Олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра данак меваги кўчатлар агробиоценозида 14 турдаги зараркунандалар учраши аниқланди (жадвал).

Гилос кўчатлари агробиоценозида ўргимчаккана – *Tetranychus urticae* Koch. ва акация шираси – *Aphis craccivora* Koch. кўп миқдорда, боғ ўргимчакканаси – *Schizotetranychus pruni* Oudms., қизил қон шираси – *Eriosoma lanigerum* Hausm., шафтоли ёки иссиқхона яшил шираси – *Myzodes persicae* Sulz., катта шафтоли тана шираси – *Pterochloroides persicae* Choi., ўткир елкали қандали – *Carpocoris coreanus* Uranus., яшил бронза қўнғизи – *Potosia marginicollis* Pall. ҳамда кулранг куртак узунбуруни – *Sciaphobus squalidus* Gyll. ўртача миқдорда учраши кузатилди.

Дўлана канаси – *Amphyttetranychus viennensis* Zacher., яшил олма шираси – *Aphis pomi* Deg., гунафша рангли қалқондор – *Parlatoria oleae* Colvée., акация сохта қалқондори – *Parthenolecanium corni* Bouche. ва май бузоқбоши қўнғизи – *Melolontha hippocastani* кам миқдорда тарқалиши аниқланди.

Шафтоли кўчатзорларида яшил олма шираси – *Aphis pomi* Deg., қизил қон шираси – *Eriosoma lanigerum* Hausm., акация шираси – *Aphis craccivora* Koch. ва шафтоли ёки иссиқхона яшил шираси – *Myzodes persicae* Sulz. кўп миқдорда, боғ